DOI: https://doi.org/10.5281/zenodo.7635134 Pages: 583-592



WOMEN IN SUSTAINABLE DEVELOPMENT: SCIENCE AND QUALITY EDUCATION

3RD INTERNATIONAL CONFERENCE



ХОТИН-ҚИЗЛАР - БУГУННИНГ МАФКУРАВИЙ КУРАШЛАР МАРКАЗИДА

Шавкат Тўраев *ф.ф.н доц.,*
Республика Маънавият ва маърифат маркази,
Ижтимоий маънавият тадқиқотлар институти,
бўлим бошлиғи,
turayev.64@mail.ru

Kalit so'zlar: Хотин-қизлар, тўқнашув, эътиқодлар, зиддиятлар, ғоявий қарама-қаршилик, мафкуравий курашлар, мафкуравий жараён, аёллар савдоси, афғон муаммолари, четга турмушга чиқиш ғоялари

Annotatsiya: Мақолада бугунги мафкуравий жараёнларда аёлларга бўлаётган муносабат, ғаразли мақсадларда амалга оширилаётган ғоя ва мафкураларнинг аёллар ҳаётига салбий таъсири. Дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг мафкуравий кураш майдонининг кенгайиб боришига хизмат қилиши. Аёллар ана шу курашлар қурбонига айланиб бораётгани билан боғлиқ муаммолар таҳлил қилинган.

WOMEN ARE AT THE CENTER OF TODAY'S IDEOLOGICAL STRUGGLES

Key words: Women, clash, religions, tensions, ideological confrontation, ideological struggles, ideological process, female slave trade, afghan problems, the ideas of getting married abroad, magnificence of woman.

Abstract: Although the world is a kind of integrity, regions, countries, nations and people in it have a different status due to their role, and, in addition, different political forces, religions, religious movements, sects, groups and social stratum operate in them. At the same time, they clash with each other on the basis of conflicting interests on the world stage. In such a situation, ideas and ideologies enter the battlefield as an invisible weapon. As a consequence, social, economical, political, legal, religious and cultural clashes arise.

ЖЕНЩИНЫ В ЦЕНТРЕ ИДЕОЛОГИЧЕСКОЙ БОРЬБЫ СЕГОДНЯ

Ключевые слова: Женщины, столкновение, религии, напряженность, идеологическое противостояние, идеологическая борьба, идеологический процесс, работорговля, афганские

Аннотация: Хотя мир представляет собой некую целостность, регионы, страны, нации и люди в нем имеют разный статус в силу своей роли, и, кроме того, в них действуют разные политические силы, религии, религиозные движения, секты, группы и социальные слои. . В то же время они сталкиваются друг с другом на почве противоречивых интересов на мировой арене. В такой ситуации идеи и идеологии выходят на поле боя

проблемы, идеи брака за границей, великолепие женщины	как невидимое оружие. Как следствие, возникают социальные, экономические, политические, правовые, религиозные и культурные столкновения.

Кириш. Жаҳонда рўй бераётган манфаатлар тўқнашуви натижасида эътиқодлар ўртасидаги зиддиятлар, ғоявий қарама-қаршиликлар ва мафкуравий курашлар шиддатли тус олмоқда. Бу ер куррасида яшовчи ҳар бир инсон учун хавотир уйғотади, лекин энг кўп ушбу курашларнинг тузоғига тушаётган ва қурбонга айланаётганларнинг аксарияти аёллар эканлиги бизни янада сергак тортишга ундамоғи лозим.

Асосий қисм

Дунёнинг мафкуравий майдонида содир бўлаётган ғоявий жараёнлар, мавжуд мафкура шакллари, уларнинг моҳияти ва мақсадлари, олиб бораётган фаолияти ўзи шундоғам таҳлика ичида яшаётган инсоният ҳаётини тобора мураккаблаштирмоқда. Ўзига хос ҳолатни тасвирловчи дунёнинг мафкуравий манзарасида айрим сиёсий кучлар манфаатлар тўқнашувини вужудга келтирмоқда. Бундай вазиятда эса кўринмас қурол сифатида ғоя ва мафкуралар кураш майдонига чиқади. Бинобарин, ғоявий, мафкуравий усулларни қўллаш ҳар қандай мамлакатнинг ички ишларига аралашишнинг энг осон йўли. Бундай таъсир ўтказиш натижа бериши учун мавжуд вазиятни кескинлаштириш чоралари кўрилади, натижа бермаса, куч ишлатиш йўли билан бўлсада беқарорликни юзага келтиришга ҳаракат қилинади. Шу каби ҳолатларда ишонувчан ва нозик ҳилқат вакиллари бўлган аёллар мафкуравий курашлар жараёнларининг қурбонига айланаётгани инсоният жамияти учун ўта ҳавотирлидир.

Таъкидлаш жоизки, ён атрофимиздаги Афғонистон, Ироқ, Сурия, Африка ва дунёнинг кўплаб бошқа давлатларида аёлларнинг таълим жараёни, меҳнат фаолиятига муносабатлар, ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан чекловларнинг қаттиқлиги ва шафқатсизлиги билан бутун ер юзининг эътибор марказидаги муаммолардан бирига айланмоқда. Бу мамлакатда инсон, айниқса, аёллар ҳуқуқларининг паймол қилинишидан

ташқари, камбағаллик ва очлик ҳам уларнинг ҳаётини янада оғирлаштирмоқда. Бирлашган миллатлар ташкилотининг маълумотларига кўра биргина Афғонистон аҳолининг 90 фоизи инсонпарварлик ёрдамини кутиб яшайди.

Ҳозирги вақтда дунё мамлакатлари диққат марказига айланган Афғонистонда аёлларнинг сўз эркинлиги, таълим олиш, меҳнат фаолияти, оила қуриш, тиббий ёрдам кўрсатиш, давлат томонидан ижтимоий ҳимояга олиниши ҳуқуқ ва эркинликлари соғлом фикрли одамнинг тасаввурига сиғмайдиган даражага келган. Бу масала юзасидан жаҳондаги барча аёлларни ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи жамият ва ташкилотлар бирдек муамммоларни ҳал қилишга уриниши яхши албатта, аммо бу ўша ерда исътиқомат қилувчи аёлларнинг муаммоларини ҳал қилишда қанчалик натижа бериши муҳим.

Тўғриси, шу кеча кундузда ижтимоий тармоқларда кенг муҳоқамага сабаб бўлган бир лавҳа қалбларни қаттиқ ларзага солди. “Афғонистондаги оилалардан биридаги ҳолат. Қизалоқнинг отасини айтишича — ўз қизини 1500 еврога сотишга келишгани ва афсуски, ер қимирлаши натижасида қизчанинг оёғи сингани учун ўзаро “битимни бекор қилинганидан норозилиги” тўғрисида берган интервьюси ва бир онахонни бунга сабаб сифатида ҳозирги очлик ва қашшоқлик натижаси эканини айтар экан, “бизда ейиш учун ҳеч нарса қолмаганда болаларимизни сотамиз” деб оддий ҳолатда, худди ҳеч нарсамиз қолмаганда уйдаги гиламларни олиб чиқиб сотамиз, деганга ўхшаш муносабатни кўриш инсонни қаттиқ ўйга солади.

Бинобарин, “telegram_Yulduzlari” расмий канали орқали тақдим этилган бор-йўғи 1дақиқа-ю 13 сонияни ташкил этган мазкур лавҳада ўша ердаги муҳит, хотин-қизларга бўлаётган муносабатларнинг қай аҳволда эканлигининг яққол кўриниб туриши барчани бирдек хавотирга солмоғи лозим. Чунки ҳали дунёнинг нималигини англаб етмаган 5 ёшли қизалоқни ўзидан 30-40 ёш катта эркакларга бўлғуси хотин сифатида сотилиши, ер

юзининг қайси ҳудудида бўлмасин, шафқатсизликнинг ва тубанликнинг энг сўнги нуқтасига етиб келинганлигига ишора қилмоқда.

Тарихга назар ташлар эканмиз, бу давлатлар ҳам бир пайтлар гарчи гуллаб-яшнаб кетмаган бўлсада, аёллар илм олиш, ҳунар ўрганиш ҳуқуқига, қиз, аёл ва ниҳоят она сифатида эъзозга эга бўлганлар. мафкуравий курашларнинг узлуксиз давом этиши, “демократия”ни олиб кириш ниқоби остидаги ташқи кучларнинг мамлакат ички сиёсий-ижтимоий ишларига аралашиши оқибатидаги қирғин-барот урушларни вужудга келтирган бўлса, бир мамлакатнинг чиқиб кетиб ўрнига бошқасининг кириб келиши эса мамлакатни хонавайрон ҳолатга олиб келди.

Ана шундай нохолис аралашувлар натижасида, мамлакатнинг ички мафкуравий тизими йўқ қилиниб, турли хил вайронкор ғояларни кириб келишига замин ҳозирлаган бўлса, таълим соҳасидаги чекловлар, диний билимларнинг етишмаслиги эса жамиятни қолоқлик сари бошлаганини кўриш ва англаш қийин эмас.

Афсуски “Инсонпарварлик ёрдами” ниқоби остидаги таҳдидлар бугунги кунда аксарият мамлакатларни хавотирга солмоқда. Бунга ўхшаш таҳдидлардан мақсад битта **“инсон қалби ва тафаккури”** қарамлигига эришиш. Агар шу кўзланган мақсадга эришилса, жамиятнинг янги манқуртлари дунёга келишига замин яратилган бўлади. Бинобарин, ер юзининг жуда кўп мамлакатларида келтириб чиқарилган иқтисодий инқирозлар натижасида очлик ва беқарорлик юзага келаётгани айни ҳақиқат. Бу аҳволдан чиқиб кетиш учун эркак ва аёллар турли хил йўлларни излаб топишга ҳаракат қилишади. Айнан шундай вазиятларда аёлларнинг турли хил тажовузларга учраш ҳолатлари кўпроқ кузатилмоқда.

Шу жамладан, ўзига муносиб турмуш излаган аёллар XXI асрнинг жиддий муаммоларидан бири бўлган одам савдоси қурбонига айланмоқдалар. Ахборот алмашинувининг кучайиши одам савдоси билан шуғулланадиган жиноятчи гуруҳларга ўз қабиҳ ниятларини амалга оширишга имкон яратиб бермоқда. Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳисоб китобларига

кўра бутун дунёда 21 миллион киши мажбурий меҳнатнинг жабрланувчилари ҳисобланади. Шу маънода, дунёдаги деярли барча мамлакатлар одам савдосидан жабрланишади. Бирлашган миллатлар ташкилотининг маълумотларига кўра, одам савдоси қурбонларининг 71 фоизини аёллар ва болалар ташкил этиши ўта аянчли ҳолат.

Асримизнинг жирканч иллатларидан бири бўлган одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида мамлакатимизда ҳам бир қанча ишлар йўлга қўйилган. Жумладан, одам савдоси трансмиллий, яъни ҳудуд ва чегара танламайдиган жиноят эканлиги ҳисобга олиниб, давлатимиз 2003 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган "Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида"ги Конвенцияга қўшилди. БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги резолюцияси билан қабул қилинган "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида"ги Конвенция, шунингдек, одам савдоси, айниқса, аёллар ва болаларни сотишнинг олдини олиш, унга чек қўйиш ва бунинг учун жазолаш тўғрисидаги қўшимча протокол ҳам ратификация қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонунни янада такомиллаштириш ва ҳозирги замон талабларига мослаштириш мақсадида 2020 йил 17 августда янги таҳрири қабул қилинди. [1]

"Ижтимоий фикр" Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан мамлакатимиз аҳолиси ўртасида ундан хабардорлик ва муносабатини ўрганиш мақсадида сўров ўтказилди. Натижаларга кўра, одам савдосидан кўпинча содда ва ишонувчан, ўзганинг таъсирига тез берилувчан ва вазиятни танқидий баҳолашга қодир бўлмаган 18-25 ёшлардаги йигит-қизлар жабрланиши ҳақида хулоса берилган. [2] Айнан шу масалага эътибор қаратган Ўзбек кино саноатининг таниқли вакили Рустам Саъдиев режессорлигида Россия киномотографлари билан ҳамкорликда олинган "Барон-2" филмида одам савдоси билан боғлиқ воқеалар акс эттирилган.

Ижтимоий тармоқ орқали ёш қиз бир йигит билан танишади ва унга кўнгил қўяди. Йигит қизни ўз юртига чақиради ва қиз кетади. Воқеалар ривожида эса ундан ташқари жуда кўплаб қизлар ҳам шу йигит билан танишган бўлади ва у билан учрашувга кетаётганини кўришимиз мумкин. Кино давомида эса қизлар алданганини тушуниб етади ва бошқа турли хил мақсадларга сафарбар этилади ва ҳаёти фожеали якун топади. Албатта, буни шунчаки бир кино дейиш мумкин. Аммо, шу каби вазиятга тушаётган хотин-қизлар бугунги кунда жуда кўп. Демак, бу филмдаги ғоялар ғаразли мақсадларни амалга оширишда аёлларнинг қурбон қилинаётганини англашимизга хизмат қилади.

Таъкидлаш лозимки, Пандимия давридан сўнг ҳисоб китобларга кўра 178 та давлатда аёлларнинг иқтисодий қийинчиликларга учрагани тўғрисида БМТ Бош котиби А.Гуттириш баёнотида таъкидлаб ўтди. Айнан шу қийинчиликлардан азоб чекаётган аёллар томонидан турли хил йўллар орқали чиқиб кетиш ҳолатлари кузатилган. Уларда кўпинча ёлланма ишчи, донар, чет элга турмушга чиқиш ва бошқа кўплаб мақсадларда ушбу тангликдан чиқишга уринишлар кузатилган. Аёлларнинг қонуний асосларсиз ёлланма ишчи сифатида бошқа мамлакатларга кетиши ва уларнинг одам савдоси билан шуғулланувчи шахсларинг қўлига тушиб қолиш ҳолатлари кўпроқ кузатилади. Пандимия даврида одам савдосидан аъзият чекиш даражаси 124 млн рекорд даражагача чикди ва уларнинг аксарият қисмини аёллар ташкил этади. Бу ишлар асосан, интернет тармоқлари орқали амалга оширилган.[3]

Сир эмаски, ҳозирда ахборот технологияси воситалари глобализация жараёнида катта рол ўйнайди. Ер юзининг аксарият аҳолиси мазкур воситалар ёрдамида дунёнинг исталган нуқтасида содир бўлаётган ҳодисалардан хабардор бўлиш имкониятига эга бўлди. Ана шундай алоқа ўрнатиш воситаларининг энг қулай усули ижтимоий тармоқлар ҳисобланади. Ижтимоий тармоқлар эса истаган ғояни амалиётга тадбиқ этувчи макон вазифасини бажарувчи энг қулай жойга айланиб улгурди. Биз биламизки Ғоя

ва Мафкуралар кўзга кўринмайди ва қўл билан ушлаб бўлмайди. Улар яхши йўлда фойдаланилса тараққиётнинг энг юқори чўққисига олиб чиқади, ғаразли мақсадларда фойланилиши эса йўқлик ва зорликга олиб келувчи куролга айланади.

Ана шундай бузғунчи ғоялардан яна бири бугунги кунда кенг тарқалиб улгурган ва барчани ўзининг домига тортган “Оммавий маданият” унсурлари жуда тезлик билан ўзининг қиёфасини ўзгартириб бормоқда. Даставвал у миллат ва элатларнинг тили дини, миллий ўзлиги, миллий қадриятларига таъсир ўтказган бўлса энди тарихий ҳақиқатни йўқ қилиш учун ҳаракат бошланган. Шу ўринда Американлик олим П.Бюкененнинг – “армия ва полиция орқали эмас, оммавий маданият инквизиторлари ёрдамида жаҳонга сингдирилаётган “юмшоқ тирания” га айланган” дея берган таърифи айни ҳақиқатга айланмоқда. Дарҳақиқат, бугунги кунда ОАВ, телевединие, радио, ижтимоий тармоқлар орқали тинимсиз узатилаётган ғоялардан ташқари кундалик ҳаётимизда фойдаланаётган ҳар бир буюм, озиқ-овқат, кийим-кечак ва болаларимиз севиб ўйнайдиган ўйинчоқларда ҳам бирор бир ғоя яширинганини кўриш, англаш у қадар мушкул эмас.

Яна бир ҳолат, бугунги кунда ёш қизларимиз ўртасида “вирус”дек кенг авж олаётган “чет эллик одамга турмушга чиқиш” ғояси аксарият қизларимизнинг борган сари онгини эгаллаб бормоқда. Ёш қизларнинг оқ от минган шахзодаси олис мамлакатларда уни кутиб тургани тўғрисидаги ҳаёллар орқали аксарият қизларимиз диний гуруҳлар, одам савдоси ва одам аъзолари билан шуғилланувчи кишиларнинг қурбонига айланиш ҳолатлари ҳам кузатилиб турибди. Айни пайтда бу ҳолатлар оз-оз учраб турсада, борган сари кўрсатгичлар ортиб бораверади. “Дарё.уз” сайти орқали берилган хабарда шундай дейилади: “*Сўнгги пайтларда ўзбек қизларининг чет эл фуқароларига турмушга чиқаётгани ҳақида кўп эшитяпмиз. Статистик маълумотларга қараганда 2021 йилнинг январь-июль ойларида 1272 нафар ўзбекистонлик қизнинг хорижликлар билан никоҳи* қайд этилган.

Куёвларнинг энг кўпи Россия, Туркия, Жанубий Корея, АҚШ давлатларидан бўлган.” [4]

Бу 2021 йил ҳолати бўйича маълумот бўлиб, ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳорижга турмушга беришга тайёрловчи марказлар фаолият юритади. Ушбу марказлар эса ёш қизларимиз билан гавжумлиги бугунги кундаги мафкуравий полигонларнинг меҳнатининг маҳсулидир. Марказлар томонидан турмуш қуриш битими тузилган қизлар омади келса инсофи бор инсон билан оила қуради. Агар омади келмаса тайзиқ ва қийноқларда ҳаёт кечиришга мажбур бўлади, камдан-кам ҳолатларда эса улар элчихоналарга мурожаат қилишга эришади. Айримларининг ҳаёти эса “Барон-2” филми қаҳрамонлариники сингари якун топади.

Сиз айтишингиз мумкин юқоридаги ҳолатларга ким айбдор деб, айбдорни излашдан кўра, унинг олдин олиш чораларини ишлаб чиқишни йўлга қўйсак, аёл ва қизларимизнинг мафкуравий курашларнинг қурбони бўлиш каби ҳолатлардан сақлаб қолган бўлар эдик. Буни эса ўз навбатида таълим ислоҳотларисиз амалга ошириб бўлмайди. Ҳаммамизга таниш бўлган ва бир маротаба бўлса ҳам мутаола қилинган адиб Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” асарида Нигор ойимнинг тўнғич қизи 17 ёшли Ранонинг таълими тўғрисида шундай ёзилган, “Раъно Нигор ойимнинг тўнғучи, бу йил ўн етти ёшни тўлдурадир. Саводни отасидан ўқуб, ўн тўрт 20 ёшида ибтидоий мактаб прўғрамида бўлған барча дарсларни битирган, масалан: диний қисмдан – “Ҳафтия”, “Қуръон”, “Чаҳор китоб”, “Сўфи Оллоёр”, “Маслаки муттақин”, адабиётдан – Навоийнинг барча асарлари, девони Фузулий маъа, Лайли Мажнун; Амирий, Фазлий ва шулардек чиғатой-ўзбек катта шоирларининг асарлари; форсийдан – Хожа Ҳофиз Шерозий ва Мирзо Бедил, хусни хат, иншо ва бошқалар. Бу кунларда бўлса бир томондан қизларға сабоқ бериб онасиға кўмаклашса, иккинчи тарафдан отасидан кофия (араб наҳв ва сарфи) ҳамда Шайхи Саъдийнинг “Гулистон”идан дарс оладир ва шунинг қаторида ўзи яхши кўрган чиғатой-ўзбек шоирларининг бадиъа асарларидан алоҳида бир мажмуъа тузиб юрийдир”.[5] Бундан кўриниб

турибдики, бизнинг ота-боболаримиз ҳам аёл қизларнинг таълим олишига алоҳида эътибор қаратиб, уларнинг илмли бўлиши учун барча имкониятларни яратиб берган.

Хулоса

Бугун Маърифатли жамият қуриш жараёнида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг замирида хотин-қизларни таълим олиши ва ҳунар эгаллашига доир кўплаб ишлар амалга оширилаётганини кўришимиз мумкин. Давлат раҳбари Ш.М.Мирзиёев мамлакатимиз олдида турган устувор вазифаларни амалга оширишда, юртимиз эришган ва дунё ҳамжамияти тан олаётган марраларни эгаллаш йўлида бутун халқимиз қатори аёлларнинг ҳиссаси борлигини чуқур миннатдорчилик билан эътироф этади: "Иложи борича, аёлларимизнинг дардини, ташвишларини севинч ёшига, ғалаба ёшига, муваффақият ёшига, натижа ёшига айлантиришга ҳаммамиз биргаликда ҳаракат қиламиз. Битта қиз фарзандни ўқитсангиз - бутун оилани ўқитган бўласиз деб ота-боболаримиз бежиз айтишмаган. Илм-фан билан шуғулланиш, илмий янгилик яратиш - бу игна билан кудуқ қазишга баробар. Мен ўзим шу соҳадан чиққаним учун бу ишнинг нақадар қийин ва мураккаб эканини яхши биламан. Шунинг учун ҳам оила ташвишлари ва фарзанд тарбиясини илмий тадқиқот билан бирга олиб бораётган, бу борада амалий ютуқ ва натижаларга эришаётган олима аёлларни шахсан мен чинакам матонат ва жасорат соҳибалари деб биламан ва юксак қадрлайман" дея уларга бўлган ишончини изҳор этишларининг ўзи келажак авлодимизнинг давомчиларига бўлган эҳтиром деб биламан. [6]

Бинобарин, аёл бу нозик ҳилқат келажакнинг устуни ва мамлакатнинг тақдиридир. Уни тарбиялаш, бахтли қилиш бутун жамиятнинг энг катта масъулияти ва бурчидир!

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

[1]Х.Камолов. Одам савдосига қарши кураш.Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги. Iiv.uz. 4 октябрь 2020. [1]

[2]“Ижтимоий фикр” Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази тадқиқотлари. UzA.UZ.05.08.2022. [2]

[3].https://news.un.org/ru. [3]

[4].https://daryo.uz [4]

[5].“Абдулла Қодирий. Меҳробдан чаѐн. Тошкент: — Ғафур Ғулом нашриѐти. 1994. Б. 395[5]

[6].https://www.gazeta.uz/uz/2022/03/07/womens/ [6]